

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

“Ҳимояга рухсат етилди”

**“Халқаро иқтисодий
муносабатлар”**

кафедраси мудир

и.ф.д., проф.

А.А.Исаджанов

“ ___ ” _____ 2011йил

Аллабердиев Шуҳрат Асатович

**Мавзу: “Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг
ривожланишида кичик бизнеснинг роли”**

**Таълим йўналиши: 5341100 – Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро
иқтисодий муносабатлар**

Бакалавр даражасини олиш учун тақдим етилган

битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. А.А. Исаджанов

Тақризчи: и.ф.н., доц. Г. Фуломова

Тошкент-2011

КИРИШ	3
I. БОБ. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишида кичик бизнесни ўрни ва роли.	8
1.1. Кичик бизнес иқтисодий категория сифатида	8
1.2. Иқтисодиётнинг ривожланишида кичик бизнес аҳамияти.	18
1.3. Ташқи иқтисодий фаолият ва кичик бизнес.	23
II БОБ. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишида кичик бизнес.	29
2.1. Ташқи иқтисодий фаолият ва кичик бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий асослари	29
2.2. Кичик бизнеснинг республика иқтисодиётидаги ўрни.	36
2.3. Ташқи иқтисодий фаолиятда кичик бизнеснинг аҳамияти.	49
III БОБ. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини кичик бизнес орқали ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.	56
3.1. Кичик бизнесни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш.	56
3.2. Ташқи иқтисодий фаолият ривожланишида кичик бизнеснинг ролини ошириш йўналишлари	63
ХУЛОСА	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш омилларидан бири кичик бизнес тараққиётини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу соҳа бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромад манбаларини яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш каби хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ушбу масаланинг муҳимлиги тўғрисида тўхталиб: “...нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда”.....“кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробарга ошириш”....“Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси кўйилмоқда”¹, деб таъкидлаган эдилар ва 2010 йил якунида ушбу натижага эришлди. Ушбу билдирилган фикрлар кичик бизнес субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш, унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва мукамаллаштириш, шу жумладан, унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ролини ошириш амалиётини такомиллаштириш масаласига ҳам бевосита дахлдор ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес иқтисодиётнинг асосини ташкил этиб, бутун иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу мамлакатларда кичик ва бизнеснинг улуши ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)да 50-60 фоизни, умумий бандликда 54-78 фоизни

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент, Ўзбекистон, 2010. - Б. 63-64.

ва жами корхоналарда 97-99 фоизни ташкил қилади². Мамлакатимизда кичик бизнесни янада ривожлантириш орқали унинг ЯИМдаги ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги улушини ошириш, аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг реал даромадларини кўпайтириш ва пиравардида турмуш фаровонлигини яхшилаш каби масалалар иқтисодиётнинг асосий тадқиот объектига айланмоқда. Кичик бизнес орқали аҳолини камбағалликдан халос этиш, меҳнатга лаёқатли, иқтидорли аҳоли қатламини ишга жалб этиш орқали ўзгоя ва янгиликларини рўёбга чиқариш билан даромад олиш манбаларини кенгайтириш асосида турмуш фаровонлигини яхшилаш, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш йўли билан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаол субъектларига айланишига имкон беради.

Экспортни кенгайтиришда кичик бизнес фаоллигининг аста-секин ортиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини ялпи экспорти таркибида кичик бизнес субъектлари экспорти ҳажми 2000 йилда 6,7 фоиздан 2009 йил 14,6 фоизга, 2010 йил эса бу кўрсаткич пасайди ва 13,6 фоизга етди. Ташқи бозорларга маҳсулот экспорт қилишда кичик бизнес фаоллигининг ошиши, айниқса, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилмоқда.

Ўзбекистон экспортининг катта қисми 34 та тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирувчи акциядорлик компаниялари ёки уюшмалар шаклида тузилган корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Тармоқни умумий ривожлантириш масалалари билан бир қаторда, янги турдаги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда ва уларни ички ваташқи бозорда сотилишида ўз аъзоларига кўмаклашиш ушбу бирлашмаларнинг асосий вазифасидир. Аммо ушбу хўжалик бирлашмалари

² Лапушта М. Г. Малое предпринимательство: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - С. 567.

республика иқтисодиётининг тез суратларда ривожлани бораётган субъектлар – кичик бизнесни ҳали тўла равишда қамраб олгани йўқ.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнесни ташкил этилиши ва ташқи савдосини ривожланишини айрим жиҳатлари Й. Шумпетер, А. Хоскинг, Р. Хизрич, М. Питерс, Ф. Хайек, К. Дж. Лембденларнинг илмий асарларида³ тадқиқ қилинган. Кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш, унинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ролини ошириш, кичик бизнесга инновацион лойиҳаларни тадбиқ қилиш, молиявий таъминлаш муаммолари хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи-олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Хорижлик иқтисодчи-олимлардан А. Бусыгин, Е. Васильева, М. Овчиян, В. Ломовцев, Р. Гриб, М. Юнус, А. Муравьев, А. Игнатев, А. Крутик, В.Набатников, Б. Райзберг, Ю. Рубина, В. Рубе, П. Роуз, Н. Сирополис, С. Смирнов, А. Таев, О. Лаврушин ва М. Лапуста, бошқаларнинг илмий ишларини⁴ шулар жумласига киритиш мумкин.

³ Шумпетер Й. А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. - М.: Эксмо, 2007. - 864 с.; Хоскинг А. Курс предпринимательства. - М.: Дело, 1993. - 230 с.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. - М.: Дело, 1991. - 159 с.; Хайек Ф. Ф. Познание, конкуренция и свобода. Аналогия сочинений. - М.: Пневма, 1990. - 309 с.; Лембден К. Дж. Финансы в малом бизнесе. Пер. с англ. - М.: Финансы и статистика, 1992. - 200 с.

⁴ Бусыгин А. В. Предпринимательство. Основной курс: Учебник для вузов. - М.: ИНФРА-М, 1997. - 608 с.; Васильева Е. Н., Овчиян М. Р., Ломовцев В. В. Анализ нормативно-правовой базы, регламентирующей микрофинансовую деятельность в России. - Смоленск: Библиотека микрофинансирования, 2001. - 43 с.; Гриб Р. Б. Развитие сектора микрофинансирования в Российской Федерации. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.э.н. - Волгоград: ВГУ, 2008. - 30 с.; Yunus M. Banker to the poor: Microlending and the battle against world poverty. New York: Public Affairs, 1999.; Муравьев А. И., Игнатев А. М., Крутик А. Б. Малый бизнес: экономика, организация, финансы /Учеб. пос. для вузов. -2-е изд., перераб. и доп. - СПб.: Бизнес-пресса, 1999. - 608 с.; Набатников В. М. Организация предпринимательской деятельности / Серия «Высшее образование»: - Ростов н/Д: Феникс, 2004. - 256 с.; Райзберг Б. А. Основы экономики предпринимательства. - М.: Знание, 1995. - 206 с. Основы бизнеса /Под.ред. Ю. Б. Рубина. Учебник. 6-е изд., перераб. и дополн. - М.: Маркет ДС Корпорейшн, 2005. - 784 с.; Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. - М.: ТЕИС, 2000. - 231 с.; Роуз П. С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-изд. - М.: Дело ЛТД, 1995. - 768 с.; Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей: Пер. с англ. - М.: Дело, 1997. - 672 с.; Смирнов С. А. Малое предпринимательство: общественная поддержка и содействию развития. - М.: ЭБТ-Контур, 1999. - 160 с.; Таев А. Г. Развитие финансовой среды предпринимательства на муниципальном мезоуровне. Автореф. дисс. на соис. учен. степ. к.э.н. - Волгоград: ВГУ, 2007. - 21 с.; Лаврушин О. И. Банковское дело. - М.: Финансы и статистика, 2005. - 672 с.; Лапуста М. Г. Малое предпринимательство: Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 685 с.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Битирув малакавий ишининг асосий мақсади кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ролини ошириш, уларнинг фаолиятини доимий равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- “кичик бизнес”, “тадбиркорлик”, “ташқи иқтисодий фаолият”, “кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолияти” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ёритиш ва тавсифлаш, кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятларига аниқликлар киритиш, мазкур соҳанинг ташқи иқтисодий фаолиятда ривожланиш тенденцияларини ёритиш;

- ташқи иқтисодий фаолият ва кичик бизнес субъектларининг назарий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий асослари ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш;

- кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларни қўллаш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон иқтисодиётида кичик субъектлари ролини ошириш амалиётини ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти битирув малакавий ишининг объекти ҳисобланади. Битирув малакавий ишининг предмети Ўзбекистон

Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг ривожланишида кичик бизнеснинг ролини ошириш йўналишлари.

Илмий ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Киришда мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти ўз аксини топган.

Биринчи бобда кичик бизнес фаолиятининг назарий жиҳатлари тўлиқ ва аниқ қилиб ёритилган, яъни кичик бизнес тушунчаси, категориялари, иқтисодиётда кичик бизнеснинг аҳамияти ва ташқи иқтисодий фаолиятда бу соҳани ривожлантиришнинг амалий аҳамияти ҳақида батафсил ёритилган. Иккинчи бобда эса кичик бизнеснинг фаолиятининг асосини ташкил этувчи унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиш механизми, миллий иқтисодиётда риволиниш тенденциялари ва унинг мазмун моҳияти, ташқи иқтисодий фаолият ва унда кичик бизнеснинг ривожланиш кўрсаткичлари аксэттирилган. Учинчи бобда асосан кичик бизнес ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга доир илмий амалий тавсиялар ёритилган. Унда кичик бизнесни хорижий мамлакатлардаги ривожини ўрганиб, уларнинг тажрибасидан фойдаланиш тўғрисида таклиф ва мулоҳазалар юритилган. Мавзунини ўрганишда Президентимиз асарлари ва маърузалари, турли ўқув қўлланмалар, мақола ва журналлардан кенг фойдаланилди.

I. БОБ. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланишида кичик бизнесни ўрни ва роли

1.1. Кичик бизнес иқтисодий категория сифатида

Бугунги кунга келиб республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида “Бизнес”, “Бизнесмен”, “Тадбиркорлик”, “Тадбиркор” каби терминлар кенг қулланила бошланди. Уларнинг мазмун ва моҳиятини англаш маълум бир маънода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳақида тасаввурни шакллантиради. «Тадбиркор» ва «бизнесмен» каби тушунчалар билан ишлаб чиқариш, даллолчилик, савдо, молиявий ва инновация фаолиятлари билан шуғулланувчи ва маълум миқдорда даромад олиш ниятидаги инсон ифодаланади.

Кичик бизнес бозор иқтисодиётига хос иқтисодий фаолият ҳисобланади. Бошқача айтганда, у муайян ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш буйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир. “Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида” ги қонунида тадбиркорликка қуйидагича таъриф берилган: “Тадбиркорлик-мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулккий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир”⁵.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш, товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш, хужалик субъектлари ўртасидаги бозор муносабатлари кичик бизнес фаолиятида намоён бўлади. Кичик бизнес фаолиятини янада ривожлантириш товар ва хизматларни

⁵ “Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонун, 1991 йил 14 июнь, 1-модда.

такрор ишлаб чиқариш жараёнини фаоллаштиради, аҳолининг иш билан бандлигини оширади, бозор иқтисодиётининг муҳим унсури бўлган рақобат муҳитини вужудга келтиради, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириб пировардида ўрта мулкдорлар синфининг шаклланишига замин яратади.

Кичик бизнес ўзига хос мураккаб иқтисодий ва ижтимоий феномен сифатида узоқ тарихий ривожланиш босқичларини босиб ўтган ваҳар бир босқичда даврнинг ўзгаришлари унинг моҳиятида ҳамда мазмунида ифода этиб борган.

Кичик бизнес муаммоси ва унинг турли шакллари тўғрисида кўпгина классик иқтисодчилар, замонавий олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Иқтисодчи олимларнинг кичик бизнесга қизиқишларнинг биринчи намоёндаси Ричард Кантильон ҳисобланади. У кичик бизнесни иқтисодий ноаниқлик ва таваккалчилик даврда иқтисодий фаолият сифатида тадқиқ этиб ўзининг “Савдонинг умумий табиати тўғрисида” асарида “Тадбиркор(бизнесмен) хавф-хатар остида савдо фаолиятини юртиб ўз корхонасига эга бўлган ва рақобат асосида фаолиятини юритувчи шахс”, “Тадбиркорлик эса, фойда олиш имкониятлари чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб олади-ю, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у таваккалчи, таклифни товарга мословчи шахс фаолиятидир”⁶ - деб таъкидланади. Ушбу таърифларда айна хавф-хатарнинг мавжудлиги тадбиркор учун қийин кечадиган бир ҳолат деб баҳоланади. Р.Кантильон кичик бизнесни ўзига хос функция деб тушунган ва фойда олишга қаратилган, таваккалчилик билан боғлиқ фаолият деб талқин қилган.

Кичик бизнесни иқтисодий категория сифатида таҳлил этиш жараёни ҳалигача давом этмоқда. Таъкидлаш керакки, ушбу йўналишда тадқиқотлар олиб бораётган иқтисодчи олимлар кичик бизнеснинг у ёки бу жиҳатларига

⁶ Э.Эгамбердиев.Х.Хўжақулов. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Ўқув қўлланма – Т.: ТМИ, 2003.

алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан америкалик олимлар М.Петерс ва Р.Хизрич кичик бизнесни чуқур тадқиқ этган ҳолда унга қуйидагича таъриф берган: “Тадбиркор(бизнесмен) – қиймати ва моҳияти жиҳатидан инновацион янгиликни ифода этувчи маҳсулотни яратади. Тадбиркор(бизнесмен) бунинг учун ўз вақтини, кучини сарфлайди. У молиявий, маънавий, ижтимоий тваккалчиликни, шунингдек, жавобгарликни ўз зиммасига олувчи, ўз манфаатини кўзловчи, бунинг эвазига оладиган даромад ва ютуқларидан қаноатланувчи шахсдир”⁷. Улар тадбиркор фаолиятида янгиликни яратиш эвазига аванслаган капитални қайтариш ва фойда олишга алоҳида урғу берган ҳолда таваккалчилик тушунчасининг мазмунини кенгрок талқин этганлар.

А.Хоскиннинг фикрича, “қарорни мустақил қабул қилиб, ишни ўз ҳисобидан олиб боровчи, бизнесни бошқариш билан шахсан шуғулланувчи ва керакли воситалар билан таъминланиши учун шахсий жавобгарликни ўз зиммасига олувчи шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлади”⁸. Ушбу таърифда тадбиркор бизнесда қарорларни шахсан қабул қилиши асосида бошқарувни ташкил этишга алоҳида урғу берилган.

Мустақиллик йилларида кичик бизнеснинг моҳиятини назарий тадқиқ этиш ва Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг назарий ва амалий масалалари Республикамиз олимлари томонидан кенг тадқиқ этилган ва ривожлантрилган. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари А.Ўлмасов ва М.Ш.Шарифхўжаевлар “Кичик бизнес умуман пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олишни билдиради”⁴ деб таъкидлаганлар. Иқтисодчи олим М.Р.Расулов “Бизнесмен ўз мулкидан капитал сифатида фойдаланиб, корхоналар ташкил этади, тижорат билан

⁷ Д. Собиржонова, У. Бойматова .”Хусусий ва кичик бизнес менежменти”, Ўқув қуланма , Т.: 2007.

⁸ А. Хоскинг. Курс предпринимательства. М., 1993.

шуғулланади, бойликка бойлик қўшади, мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширади. Агар тижорат ижара ва қарз асосида олиб борилса ҳам, барибир, маҳсулот, товар унинг мулкидир”⁵ деган фикрни билдиради.

Умуман, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мулк ва бошқа бойликлар тадбиркорлик фаолиятисиз ўзини иқтисодий жиҳатдан тўла намоён қила олмайди.

Корхоналар йириклиги бўйича: Йирик, ўртача, майда корхоналарга ажратилади. Уларни йириклигини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар ишлатилади:

- А) Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;
- Б) Ишчи ва хизматчиларнинг сони;
- В) Йиллик маҳсулот ҳажми.

Кичик бизнес, кичик корхона, хусусий фирмалар каби тушунчалар бозор иқтисодиётида кўп ишлатиладиган бўлиб бизнинг кундалик ҳаётимизга кўпроқ кириб бормоқда.

Бу тушунчалар қандай тушунча ҳисобланади, кичик корхоналарни яратиш асослари уларни фаолият кўрсатиш қоидалари нималардан иборат? Кичик тадбиркорликнинг субъектлари корхоналар бўлиб, уларда ходимлар сони қонун билан белгиланган меъёр даражасидан ошмайди.

Кичик бизнесни йириклигини аниқлаш зарурияти уларни фаолиятини яхшилаш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни рағбатлантирилиши билан белгиланади. Кичик ва ўртача корхоналарни алоҳида гуруҳларга ажратишнинг зарурияти улар фаолиятини самарадорлигини таҳлил қилиш махсус илмий кузатувлар олиб бориш уларни иқтисодиётнинг умумий тизимидаги аҳамияти ва тутган ўрнини аниқлашдадир. Бозор иқтисодиёти амал қилаётган барча давлатларда кичик ва ўртача йирикликдаги корхоналарни ажратишда қуйидаги критерийлар, мезонлар ишлатилади:

1. Микдорий кўрсаткичлар – ходимлар сони сотиладиган маҳсулот ҳажми асосий капиталнинг баланс қиймати;

2. Сифат кўрсаткичлар – нисбатан камроқ ишлаб чиқариладиган маҳсулот микдори, чекланган микдордаги ресурслар ва ишлаб чиқариш қуввати, камроқ ривожланган бошқарув тизими ва х.к.лар

3. Аралаш курсаткичлар – булар биринчи ва иккинчи гуруҳ кўрсаткичларидир транспорт соҳасида йилига-3, 5 дан 20 млн долл; гача қурилишда 9-сон 21 улгуржи савдода 15-дан 35-гача, чакана савдода 3,5 дан 13,5 млн. долл. гача хизмат кўрсатиш соҳасида-2,5 дан 14,5 млн. долларгача маҳсулотдан тушум олган корхоналар киритилади⁹.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги корхоналар йириклигини ажратиш мезонларига анчагина ўзгартиришлар киритган. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги ҳолатларни, шарт-шароитларни ўзгариб боришнинг натижасидир. Хўжалик амалиёти жамият ижтимоий -иқтисодий ҳаёти ва хўжалий юритиш усулларида бозор муносабатларида содир бўладиган ўзгаришлардан далолат беради.

Амалдаги қонунларга мувофиқ 2004 йилнинг 1 январидан кичик бизнес субъектлари тоифасига қуйидагилар киради:

- Якка тартибдаги тадбиркорлар;

Якка тартибдаги тадбиркор юридик шахс ташкилисиз ва ишчи ёллаш ҳуқуқига эга бўлмаган, қўлида хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳномаси бор бўлган жисмоний шахсдир.

- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

⁹ .Эгамбердиев.Х.Хўжакулов. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Ўқув қўлланма – Т.: ТМИ, 2003. 67-б.

қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноати – 100 кишидан: машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари – 50 кишидан;

-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар – 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар.

микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

- **деҳқон хўжалиги** – ўз фаолиятини юридик шахс сифатида амалга оширувчи ва оила бошлиғига умрбод мерос қилиб берилган ўз тармоқасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оилавий майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалиқдир.

- **фермер хўжалиги** – фермер хўжаликлари аъзоларининг фаолиятига асосланган, унга узоқ муддатга фойдаланиш учун ижарага берилган ер томоқаларида кишлок хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни амалга оширадиган юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик субъектидир.

Корхона йириклигини ажратишнинг бундай мезонлари уларни солиққа тортишдаги имтиёзларни аниқлаш, кичик бизнесни қўллаб қувватлашнинг аниқ чораларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда кичик корхоналарни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган инфратузилма ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш имкониятини яратади. Бизда кичик ва ўртача

бизнес субъектларини энг асосий кўрсаткичи бу ишчи ва хизматчилар сонидир.

Бу кўрсаткич фирмадаги барча ходимлар сони, жумладан шартнома асосида ва қўшимча равишда ишлаётган ходимларнинг хақиқий ишлаган вақтини, ва шунингдек филиалларда, корхонадан бошқа жойда ажралиб турган бўлинмалардаги ходимлар сонини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Агар кичик корхонада ходимлар сони белгиланган меъёрдан ортиб кетса шу муддат мобайнида ва ундан кейинги уч ой давомида имтиёзлар бекор қилинади.

Бизнинг фикримизча корхоналар йириклигини аниқлашда уларнинг йиллик маҳсулот ҳажми, ишлаб чиқариш қуввати ва ёки капиталнинг миқдорини ҳисобга олиш зарур. Ҳозирги замон фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга киритилиши корхоналардаги ходимлар сонини албатта камайтиради. Бунга сабаб оғир ишлар янгилашади, жисмоний меҳнатнинг маълум қисми ақлий меҳнат билан алмашади. Демак маълум миқдордаги ходимлар ишлаб чиқаришдан бўшатилади.

Турли хил малакатларда корхоналар йириклигини аниқлашнинг ўзига хос мезонлари ишлатилади.

Европа иттифоқининг услубига кўра кичик ва ўртача корхоналар куйидаги кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Хорижий мамлакатларда масалан, Францияда 10 кишигача ходими бўлган корхоналар хунармандчилик корхоналари ҳисобланади.

АҚШда кичик бизнес корхоналарига 500 тагача ходимлари бўлган корхоналар киритилади. Улар тармоқда етакчи ўринда эмаслар. Кичик корхоналар йириклигини ажратишда корхоналарни тармоққа мансублиги бўйича, йиллик маҳсулотҳажми, даромади асос қилиб олинади.

1.1.1-жадвал

Корхона йириклигини аниқлаш мезонлари¹⁰

Корхона	Банд бўлган ходимлар сони (киши)	Йиллик оборот (млн.э.кю)	Балансдаги қиймати (млн.э.кю)
Кичик	50 дан кам	4дан кам	2дан кам
Ўртача	50-250	16дан кам	8дан кам

Германияда ходимлар сони ва йиллик оборот кўрсаткичи ишлатилади. Бу ерда кичик корхоналарга 10тагача, ўртача корхоналар қаторига 50- тагача ходими бўлиб йиллик обороти 100 млн маркага етган корхоналар киритилади.

Францияда кичик бизнес тушунчасига 10 дан 50-тагача ходимлари бўлган микрофирмалар; кичик ва ўртача корхоналарга 50 дан 500-тагача ходими бўлган корхоналар киритилади.

Голландияда кичик фирмалар қаторига 10 тагача, ўртача фирмага-100тагача ходими бўлган ишлаб чиқаришлар киради.

Жанубий Кореяда саноат ва транспортда 20 тагача ходим банд бўлган фирмалар кичик ҳисобланади 21 тадан 200 тагача киши бўлган фирмалар ўртача ҳисобланади; Савдо ва хизмат соҳасида шунга мувофиқ ходими 5 тадан кам. Аммо, бу кўрсаткичлар, маълум даражада шартлидир. Махсус кўрсаткичлар сифатида, яна қўшимча қиймат солиғи ва корхонадаги асосий воситалар қиймати қўлланади. Ўзининг «кичик бизнес» деган номига қарамадан ушбу ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти тури барча тараққий топаётган давлат иқтисодида муҳим аҳамиятга эга.

Бундай корхоналарнинг ҳар бири бозорда юқори ўрин олмайди. Бу ерда барча хўжалик-бошқарув ишларини корхона эгасининг ўзи олиб боради.

¹⁰ .Эгамбердиев. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Маъруза матни. – Т.: ТМИ, 2000 й, 69-б.

Қисқа даврга айрим мутахасисларни ёллаб ўз фаолияти мулк эгаси ўз кучига ва маблағларига таянади, албатта давлат томонидан ҳам қўллаб-қувватлаб туришига ҳам ишонади.

Кичик бизнеснинг субъектлари (иштирокчилари) бўлиб ташаббускорлик билан фаолият кўрсатувчи юридик шахслар ҳисобланади.

Улар фаолияти ўз меҳнати ёки ёлланган меҳнатдан таваккалчилик ва мулкый жавобгарликни ўз устига олиш билан ўзларининг ёки бошқа шахсларнинг жалб этилган мулки асосида товар ишлаб чиқариш ва изматлар кўрсатиш фойда(даромад) олишга қаратилган кичик ва хусусий тадбиркорликнинг субъектлари бўлиб юридик шахс бўлмай туриб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам ҳисобланади.

Кичик бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари:

а) Мухим белгилари :

- ташаббускорлик, янгиликка интилувчанлик, яратувчанлик, ижодкорлик, имкониятларни излаш, қатъиятлилик, тиришқоқлик, жўшқинлик;

- тижорат сирига эга бўлиш, фойда олишга интилиш, ўзаро алоқаларда наф кўриш, максимал даражада ахборотга эга бўлиш;

- иқтисодий хатар, таҳликага асосланганлик, иқтисодий хатти-харакатлар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш, жавобгарлик, ҳалоллик;

- иқтисодий эркинлик, мустақиллик, муайян мулкчиликка таяниш, эгалик қилиш;

- бошқариш кўникмаларига эга бўлиш, аниқ мақсад сари интилиш;

- ресурслардан самарали фойдаланиш, самарадорликка эришиш, сифатни кўзлаб иш юритиш, рақобатбардошлик;

б) Афзалликлари:

- жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни кафолатловчи бош омил – мулкдорлар синфини шакллантиради;

- рақобат муҳитини юзага келтиради, иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашга ёрдам беради;

- тузилишига кўра ихчамлиги сабабли, йирик корхоналарга нисбатан бозор талабларига тезроқ мослашади, талабни тезкорлик билан қондиради;

- янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли реал даромадларини кўпайтириш асосида мамлакат ҳудудлари, шаҳар ва туманларидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ижобий ҳал этишга кўмаклашади;

- яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантиради, оилавий пудратни шакллантиради, касаначилик фаолиятини орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилади;

в) Таркибий тузилиши:

- яқка тартибдаги тадбиркорлик;

- микрофирмалар;

- кичик корхоналар;

- деҳқон-фермер хўжаликлари ва бошқалар.

г) Салбий хусусиятлари: Бошланғич маблағларга эга эмаслиги, қўшимча молиявий маблағлар ва кредитларни жалб этишдаги қийинчиликлар, хўжалик юритиш шароитларининг ўзгаришига таъсирчанлиги, риск.

Кичик бизнеснинг моҳияти куйидагилар орқали янада ойдинлашади:

Биринчидан, Кичик бизнеснинг субъекти ким бўлиши мумкин? Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ балоғат ёшига етган ҳар бир фуқаро ўз мулки асосида еки мулк эгасининг ваколати асосида

ўз ихтиёр этган қонунга зид бўлмаган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.

Иккинчидан, юқоридаги таърифда кичик бизнеснинг яна бир томони мазмуни ифода этилган бўлиб, у мазмунан бой, хилма-хил кўринишига эга. Кичик бизнес фаолиятини танлаш, уни ташкил этиш ва ривожлантириш моҳият жиҳатидан давлат, жамият аҳамиятига молик иш бўлмасдан, балки эркин танланадиган фаолиятдир.

Кичик бизнес фаолиятининг уч тури ва унга мос равишда тадбиркорларнинг 3 гуруҳини алоҳида курсатиш мумкин:

- янги товар ёки хизмат лойиҳасини ташкил этиш. Тадбиркорликнинг бу тури билан интеллектуал мулк эгалари инновация тадбиркорлари шуғулланади.

- товар ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар.

- товарни сотиш, қайта сотиш ва тижорат ишларини ташкил этиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар.

Учинчидан, мақсад жиҳатидан тадбиркорликнинг икки турини:

а) фойда олишни, иқтисодий самарага эришишни мақсад қилган;

б) ижтимоий самарага (масалан, табиат муҳофазаси, еш авлод тарбияси, соғлиқни сақлаш) эришишни мақсад қилган турларини ажратиш мумкин.

1.2. Иқтисодиётнинг ривожланишида кичик бизнеснинг аҳамияти

Миллий иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва унинг ҳар тамонлама мустақиллигини таъминлаши мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга ва оптимал натижаларга боғлиқдир. Бунинг учун мамлакатимизда бозордаги ўзгаришларга тез мослаша оладиган, турли таъсирларга эгилувчан,

инновацион фаолиятларни жадал амалга оширадиган, энг муҳими, аҳолининг иш билан бандлигини оширадиган ва турмуш даражасини яхшилайдиган кичик бизнесни ролини ошириш талаб этилади. Сабаби бу соҳа аҳоли фаровонлигини оширишга ва ишчи кучи ресурсларидан тўла фойдаланишга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий турмушда янгиликларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Нима учун деганда, биринчидан, кичик бизнес ривожланган жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат йирик бизенсинг балки бутун малакат иқтисодиётининг мувоффақияти ривожланишига бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари ички бозорни истеъмол товарлари билан тўлдирилиши аҳолига турли хизмат кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг нечоғлик барқарор ривожланишига боғлиқ.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида жаҳон бозорида рақобат янада кучаяди. Бундай шароитда айнан кичик бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан капитал маблағи сарфини ҳам талаб қилиши, ихчамлиги, зарур тамоийилларга, бозор конъюктурасининг ўзгарувчан талабларига ҳамда вақт-вақти билан бўлиб турадиган иқтисодий инқирозларга тезроқ мослаша олиш, ишлаб чиқариш қувватларини жадал модернизация қилиш имкониятига эга.

Дунё бозорида истеъмол моллари конъюктураси ҳозирги замон шароитида ўртача ҳар 9-ойда ўзгариб туради. Агар шуни ҳисобга олсак кичик бизнес иқтисодиётининг изчил ривожланишида муҳим аҳамиятга эга экани яққол кўринади¹¹.

¹¹ Э.Эгамбердиев, Х.Хўжақулов. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Ўқув қўлланма – Т.: ТМИ, 2003.

Йирик корхоналарнинг бутловчи қисмлар, материаллар етказиб берадиган тармоқларни барпо этиши рағбатлантирилди. Бу эса саноатда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиш имконини беради ҳамда ташқи бозорларга товарлар ва техноллогияларни экспорт қилиш ҳажмининг ўсишига олиб келди.

Айни вақтда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатли ва рақобабардош бўлишига эришиш, бу ишни катта сармоя ва капитал маблағларга эга бўлмаган ҳолда амалга ошириш зарур эди.

Масаланинг бошқа яна бир ўрта муҳим томони ҳам бор. Мамлакатимиздаги демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятини инобатга оладиган бўлсак, бизда аҳоли, айниқса, меҳнатга қобилиятли ёшларнинг сони тез ўсиб бормоқда. Уларнинг сони йилига тахминан 200-230 минг кишига кўпаймоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ортиқча ишчи кучларини иш билан таъминлаш, ишсизлик масаласини ҳал этиш - мамлакатимиздаги энг долзарб иқтисодий ва ижтимоий муаммолардан биридир.

Бу вазифани ҳал этишнинг энг самарали йўналишларидан бири - кичик ва ўрта корхоналар сонини кўпайтириш, кичик бизнесни ҳар томонлама кўллаб-қувватлашдан иборат. Бундан ташқари мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми, деярли 60 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Бугунги кунда айнан қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш, айниқса, кескин муаммо бўлиб турибди. Бу муаммо ер ва, биринчи галда, сув ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ.

Табиийки, бу масалани қишлоқ хўжалиги ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Бунинг устига, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ишчи кучларини камайтириб боришни тақозо этади. Бу эса ўз

навбатида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш борасида янги муаммоларни келтириб чиқаради.

Бу муаммонинг қандай ечими бор?

Ҳаммамизга маълумки, биз қишлоқ жойларида йирик саноат комплексларини барпо эта олмаймиз. Чунки улар ўз-ўзини қопламайди ва кутилган самарани бермайди.

Бунинг учун эса қишлоқ жойларида, биринчи галда, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва кафолатларни яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш орқали янги-янги иш жойлари ташкил этиш керак.

Республикамиз минтақаларида енгил саноат, трикотаж, тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш, шунингдек, машинасозлик ва металлургия соҳаларида ихтисослашган кичик корхоналарнинг салмоғи ва улушини ошириш талаб этилади. Чунки иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш фаоллиги жадаллашса иқтисодийтимизда ижобий ютуқларга эришилади. Қолаверса, республикамизда кичик корхоналарнинг тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгайишини давлатимизда яратилган меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида таъминлаш мумкин.

Маълумки, миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлиги иқтисодийнинг муҳим кўрсаткичлари ҳолатини ташқи параметрларга нисбатан ялпи баҳолашни ўзида мужассам этган қиёсий тавсиф ҳисобланиб, асосан халқаро рақобатда намоён бўлади. Миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фойлят жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат эвазига янги иш ўринларини яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти

айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш вaм мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Мамлакатмизда қулай тадбиркорлик муҳитининг яратилиши кичик бизнесни жадал ривожланишига имкон яратиб, унинг бугунги кундаги муҳим натижалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 52,5 фоизга етганлиги;
- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;
- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улушим 2009 йил 14,6 фоизга 2010 йил 13,6 фоизга етганлиги;
- соҳа корхоналарининг мамлакат импортидаги улуши 2009 йил 42,5 фоизга 2010 йил 36,6 фоизга етганлиги;
- кичик бизнес корхоналари орқали мамлакатимизда янги иш ўринларининг ортиб бораётганлиги ва ҳ.к.¹²

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятида кичик бизнес субъектлари сонининг жадал суъратларда ўсишига қарамай, ҳали уларнинг етарли даражасига эришилмагани айниқса, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида у қадар катта салмоққа эга эмаслиги мазкур соҳа имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатади.

¹² Ўзбекистон миллий университети: “Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусуий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти”, Республика илмий-амалий конференция материаллари, 23 февраль 2011 й.

1.3 Ташқи иқтисодий фаолият ва кичик бизнес

Цивилизациянинг ривожланиши алоҳида олинган давлатларни халқаро хужалик алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ягона жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Дунёдаги барча мамлакатлар умумий иқтисодий қонунларга кўра ривожланади, улар халқаро муносабатлар иқтисодий ҳарактернинг устувор бўлишини шартлайди.

Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг ўсиши нотеқис юз беради, бу ҳам халқаро айирбошлашни кенгайтириш зурратини юзага келтиради. Ушбу жараёнлар янги бозорларни (товарлар, хизматлар, меҳнат, ахборот, молия ва бошқа бозорларни) ривожлантиришга, ҳам ашёни олиб киришга, технология ва ахборотларни айирбошлашга, илмий, илмий-техника, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа ташқи иқтисодий алоқаларга имкон яратади.

Шуларни инобатга олиб Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятида бугунги кунда иқтисодиётимизнинг асосий тадқиқот объектига айланаётган ва ЯИМдаги улуши 50 фоиздан ортиб аҳолининг асосий даромад манбаи ҳисобланадиган кичик бизнесни ривожлантириш устувор вазифалардан биридир.

Ўзбекистонда кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпарация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташкилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо фаолиятини мувоффақиятли ривожлантирмоқдалар, хорижлик инвесторлар йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқдалар, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтирмоқдалар ва чуқурлаштирмоқдалар. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ушбу шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Ана шу таъсир натижаларининг таҳлили ва халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишни ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш

истикболларини белгилаш ташқи иқтисодий фаолият ва ташқи иқтисодий алоқалар тушунчаларининг мазмуни тўғрисидаги аниқ тасаввурга асосланиши керак.

Ташқи иқтисодий фаолият – иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир¹³.

Давлат субъектларига улар зиммасига давлат томонидан юклатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тасарруфчилари киради. Булар ўзини ўзи бошқарадиган ҳудудлар, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар хужалик юритувчи субъектлар, яъни акциядорлик жамиятлари, давлат корхоналари, кичик ва ўрта корхоналар, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва ҳоказолар ҳисобланади.

Шундай экан, ташқи иқтисодий фаолият – бирор бир аниқ мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан халқаро меҳнат тақсимоти, фан ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқа омилларга асосланаган ишлаб чиқариш, сиёсий ва бошқа хил муносабатларидир. Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни руёбга чиқариш жараёнидир¹⁴.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб равишда кириб боришида кичик бизнес муҳим рол ўйнайди. Чунки кўплаб бизнес таҳлилчилари ва тадқиқотчилар XXI асрда кичик бизнес кўплаб мамлакатларда иқтисодиётнинг динамик қисмига айланиб, миллий иқтисодиётнинг пойдеворини ташкил этади деган фикрдалар. Бошқача қилиб айтганда кичик бизнес ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб яшнашининг асосий негизи бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш

¹³ И.А. Ҳамидов, А.М. Алимов “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият асослари” Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашриёти Тошкент – 2001.

¹⁴ И.А. Ҳамидов, А.М. Алимов “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият асослари” Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси” нашриёти Тошкент – 2001.

шароитида иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган. Шу боис мамлакат ялпи ички маҳсулотининг шсиш суръатлари ҳамда аҳоли фаровонлигининг ошиши ҳал қилувчи даражада айнан кичик бизнеснинг ривожланишига боғлиқдир.

Кичик бизнес фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил тарзда амалга оширадilar. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги валюта ҳисобварақларини очиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Товарларни импорт қилувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳам бундай тадбиркорларга ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади¹⁵

Ижтимоий иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш вазибаларини ҳал этиш ҳам ички (айрим, жамият доирасида), ҳам ташқи, аввало ташқи иқтисодий омилларнинг фаол ўзаро ҳамкорлигини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиз жаҳон иқтисодий ҳамжамиятининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Ислохотлар жараёнида ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг, айниқса кичик бизнес субъектларининг чет эл бозорларида мустақил фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиш давр талабига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон Савдо Ташкилотининг аъзоси бўлишга тайёрланаётган экан, у халқаро савдо муносабатларининг қоидалари ва қонунларига асосланувчи ва барча мамлакатлар томонидан амал қилинувчи меъёрларни чуқур ўрганиши, шунингдек уларни амалиётда қўллаши зарур.

¹⁵ “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўз.Р. Қонуни, 2000 й, 22-модда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш йилларида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1992 йил августдан бошлаб импортга солиқлар бекор қилинди, кўпчилик халқ истеъмоли товарлари божхона тўловларидан озод этилди.

Кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантирувчи омиллар:

а) Ички омиллар(корхонанинг рақобатбардошлик даражаси):

- ягона устунликнинг мавжуд бўлиши, яъни ноёб маҳсулотлар, унинг сифати, халқаро стандартларга мослиги, хусусий ишлаб чиқариш технологияси ва хусусий бренд кабилар;
- бошқарувчининг шахси, яъни бўларга маълумоти, тажрибаси, экспорт фаолиятини амалга оширишга тайёрлик;
- малакали кадрларнинг мавжудлиги;
- корхонанинг самарали ташкилий структураси;
- бошқарувнинг самарали тизими;
- моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминланганлиги;
- экспорт фаолияти соҳасида малака ва тажрибага эгалиги;
- ташқи бозор ҳақида юқори билимга ва ўзига хос ахборотларга эгалиги;
- таваккалчилик ва номаълумлик даражасининг пастлиги;
- ташқи бозорга чиқишда энг мақбул стратигиянинг мавжудлиги;
- инновацион лойиҳалар ва фаолиятининг ривожланганлиги;
- маркетинг фаолиятининг ривожини;
- интернетдан фойдалана олиш даражаси;
- сифат назорати тизимининг мавжудлиги;
- бошқа корхоналар билан барқарор алоқалар;
- чет эл истиъмомчиларга яқинлик;

б) Ташқи омиллар(қулай фаолият муҳити):

- иқтисодиётда рақобат муҳитининг ривожланганлиги, яъни бозорга киришда бошқарув тўсиқларининг камлиги, бизнесни бошқаришда трансакция харажатларининг камлиги, оптимал давлат назорати, кичик бизнес субъектларининг самарали ҳуқуқий ҳимоя тизими;

- бозор инфратузилмасининг ривожланганлиги: банк тизими, нобанк молия институтлари тизими, биржа бозори, улгуржи воситачилик тузилмаси, консултация, муҳандислик, аудиторлик, суғурта, транспорт-экспедиция, телекоммуникация хизматлари бозори, меҳнат биржаси, корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятига ёрдам берувчи ташкилот ва институтлар, инновацион воситачилик институтлари;

- молиявий инструментларнинг ривожланганлиги: имтиёзли кредитлар, микромолия, лизинг, кредит кафолатлари тизими;

- самарали бюджет-солиқ сиёсати: оптимал солиқ юки, соддалаштирилган солиқ солиш тизими, солиқ қонунчилигининг стабиллиги, солиқ имтиёзларининг тақдим этилиши кабилар;

- мамлакатнинг самарали ташқи иқтисодий алоқаси, қулай ташқи савдо режими (бож тариф тўловлари ва техник тўсиқларнинг камлиги, ,);

- минтақавий иқтисодий интеграциянинг ривожи;

- самарали инвестиция сиёсати (ички маблағларни рағбатлантириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш);

- самарали саноат сиёсати;

- сиёсий барқарорлик.

Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятида кичик бизнес субъектлари салмоғини ошириш маълум чегараларга эга. Бу чегараларни кенгайтириш учун кичик бизнес корхоналарининг ташкил топишининг

асосий хусусиятларини ажратиб олиш зарур ва уларни асосан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- анъанавий тарзда, “табиий эҳтиёж” таъсирида ташкил топувчи кичик корхона ва фаолият турлари. Буларга аҳоли яшаш пунктлари ёки йирик корхона доирасида таркиб топувчи ва уларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари киради;

- мустақил ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар;

- Йирик корхона фаолиятига ўзаро боғлиқ ҳолда таркиб топган корхоналар;

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарининг аксарият қисми дастлабки икки турдаги корхоналар ҳисобланади. Шунга кўра кичик бизнес корхоналарининг янада ривожланиши йирик корхоналар ривожланиши ва улар ўртасидаги кооперацион алоқаларнинг чуқурлашувига боғлиқ. Бу борада айниқса, етакчи корхоналарни модернизациялаш жараёнлари имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

II Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишида кичик бизнес

2.1. Ташқи иқтисодий фаолият ва кичик бизнеснинг ташкилий-хуқуқий асослари

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги қонунда ташқи иқтисодий фаолиятга қўйидагича тариф берилган: Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади¹⁶.

Бу қонунга асосан ташқи иқтисодий фаолият субъектлари қўйидагилар:

- Мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олиниб, республика ҳудудида ёки унинг ташқарисида иш олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар;

- ажнабий юридик ва жисмоний шахслар;

- халқаро ташкилотлар.

Ушбу қонун бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар субъектларини рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Рўйхатга олишни рад этиш конкрет иқтисодий ёки бошқа ҳисоб-китоблар ва далиллар билан асослаб берилиши керак.

¹⁶ “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 1991 йил 14 июнь, 1-моддаси.

Ушбу қонунда ташқи иқтисодий фаолият субъектлари вазифалари белгилаб берилган. Унга кўра:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонун нормалари ва нормаларга, ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро нормалар ва қоидаларга риоя этиши;

- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тақдим этиши;

- халқаро ҳамкорлик доираларида бажарилаётган ишлар, қидирув ишлари ва лойиҳаларнинг санитария-гигиена, экология талаблари ва бошқа талабларга мувофиқлиги ҳақида экспертиза хулосасини олиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши шарт¹⁷.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ушбу қонунда белгиланган:

Мулкчиликнинг шакллари ва ташқи иқтисодий фаолиятининг турларидан қатъи назар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти амал қилиб турган қонунлар доирасида ташқи иқтисодий алоқалардаги ўз иштирокининг турлари, шакллари ва йўналишларини мустақил белгилаши, ўз хоҳишига қараб ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган тартибда шартнома асосида ёки бошқача тарзда ҳақ тўлаб ёхуд тўламасдан жалб этиши мумкин.

¹⁷ “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 1991 йил 14 июнь, 9-моддаси.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига, шу жумладан чет эл валютасидаги даромадга эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли ҳисобланади. Унинг қарорига кўра ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари қонунларда белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилиши ёхуд уларга ишониб топширилиши мумкин. Ҳуқуқлар ана шу тарзда ўзгага ўтказиладиган тақдирда томонлар ўзаро муносабатларни шартномалар асосида тартибга солади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш куйидагиларни ўз ичига олади:

- ташқи иқтисодий фаолият субъектларини рўйхатдан ўтказиш;
- табақалаштирилган солиқлар ва имтиёзлар системасини, шу жумладан валюта бўйича ҳам белгиланиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот билан таъминлашнинг давлат системасини яратиш;
- айрим минтақалар, тармоқлар ва корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантириши учун дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюджетдан қарз бериш тарзида молиявий ёрдам кўрсатишни, таваккалчиликни суғурта қилиш;
- республика ташқи иқтисодий алоқаларининг турли шакллари ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, пул билан таъминлаш ва экспертиза қилиш;
- Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган товарлар ва бошқа мол-мулкларни ҳужжатлаштириш;

- маҳсулотни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилиш тартибини белгилаш;

- валюта ва бошқа фондлар маблағларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш.

«Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмалари учун, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида катъий назар, умумий бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Бу қонунга асосан ҳар қандай ишбилармонлик субъекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мамлакат қонунлари, Олий кенгаш қарорлари ва давлат бошқарув органлари ҳужжатлари билан маън этилмаган ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш;

- қонунга қарши бўлмаган ҳар қандай корхона ёки ташкилот бунёд этиш;

- тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун шартнома асосида бегонафуқароларни, корхона, ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани, пул воситаларини ва баъзи бир мулкка бўлган ҳуқуқларини жалб этиш;

- қонуний йўл билан қўлга киритилган мулк билан бегона хўжалик субъектларининг фаолиятида иштирок этиш;

- республикадаги жорий қонунлар ва тузилган шартномалар асосида ўзининг хўжалик дастурини мустақил шакллантириш, ўз маҳсулоти учун истеъмолчи ва таъминотчини мустақил танлаш, кўрсатадиган хизматига таъриф ва маҳсулотига нархларни мустақил белгилаш;

- ишловчиларни амалдаги қонун ва меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш;

- ёлланган шахслар учун меҳнатига ҳақ тўлаш ва бошқа даромад турлари шакллари, таркибини ва миқдорини белгилаш;

- ўзининг пул воситаларини сақлаш ва барча турдаги ҳисобкитоб, кредит операцияларини бажариш учун банкларда ҳисоб рақамларини очиш;

- ишбилармонлик фаолиятидан келган даромаднинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан қолган қисмини ўз хоҳиши бўйича ишлатиш;

- чекланмаган миқдорда ҳар қандай шахсий даромад олиш;

- давлат таъминоти ва ижтимоий суғурта тизимидан фойдаланиш;

- судда, арбитражда ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиш;

- хорижий валюта сотиб олиш ва жорий қонунлар асосида ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил амалга ошириш.

Ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жамият ва республика олдидаги ҳамда ёлланган ишловчилар ва хўжаликдаги шериклари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига узвий боғлиқдир.

Тадбиркорларнинг мажбуриятлари қуйидагилар:

- амалдаги қонун ва тузилган шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

- ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш (агар зарурат туғилса) қонун асосида жамоа шартномасини тузиш. Ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига бирлашишлари тўсқинлик қилиши мумкин эмас;

- меҳнат шартномаларида ишловчиларга белгиланган малака даражасини, республика ҳукумати томонидан белгиланган минимал ишхақидан кам бўлмаган иш ҳақи миқдорини ва бошқа ижтимоийиқтисодий кафолатларни инобатга олиш;

- давлат ижтимоийсуғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;

- амалдаги фойда ва йўриқномалар асосида атрофмуҳит (экология) хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси ва маданиятини юксалтириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш;

- ўзининг молиявий аҳволидан қатъи назар, шартнома асосида ишга жалб этилган барча ишчихизматчилар билан ҳисобкитоб қилиш;

- истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига амал қилиш;

- мамлакат қонунларига биноан лицензияланиши (рухсат олиниши) кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда махсус рухсатнома (лицензия) олиш.

Кичик бизнеснинг аҳволи ва тараққиётини давлат томонидан назорат қилишда қуйидаги усуллар қўлланади: фискал, монетар ва бевосита аралашув.

Фискал сиёсатда – тадбиркорлик субъектлари фаолияти солиқ ва давлат тўловлари орқали бошқарилади. Ҳамдўстлик давлатларида солиқлар тизими бойликни мусодара қилиш хусусиятига эга бўлиб, бу тадбиркорлик фаолияти тараққиётига қарши самара беради. Бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган солиқ ва тўловлар баъзида хўжалик субъектлар даромадини 7580%ни ташкил этмоқда. Бу эса, тадбиркорлик фаолияти уни олиб борувчига кам манфаат келтиришини кўрсатади. Шунинг учун, иқтисодиётни бошқаришда фискал сиёсат салмоғи юқори бўлмаслиги керак.

Монетар сиёсат - бу давлат томонидан давлат миллий банки орқали муомалага тушадиган пул массасини назорат қилиш – бошқариш демакдир.

Монетар сиёсатни юритиш мамлакатдаги инфляция жараёнини секинлаштиради, бу эса пулқредит муомалаларини барқарорлаштиришга ва шу асосда тадбиркорликнинг тараққий топишига имкон яратади.

Давлатнинг иқтисодиётга, шу жумладан, кичик бизнес тараққиётига бевосита таъсир кўрсатиши давлат томонидан шу соҳага тааллуқли қонунлар

яратилиши билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисида», «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш», «Корхоналар тўғрисида», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш» тўғрисидаги қонунлар шу йўлда амалга оширилаётган ижобий ишлар натижасидир. Жумладан, «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда бу фаолият билан, айрим категориядаги шахслардан ташқари барча, жисмоний ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин, дейилган. Давлат идоралари ва бошқарув муассасаларида ишловчилар, шунингдек, прокуратура ва суд маҳкамалари ходимларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши маън этилган. Шунингдек, қонунда корхона раҳбари (ёки иш бошқарувчилари–менежерлар) томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик, у мулкни бошқариш соҳасида мулк эгаси билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ва тадбиркорлар учун белгиланган жавобгарликни ўз бўйнига олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Булардан ташқари, ислохотнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш жараёнини таъминловчи бир қанча Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди.

Булар қуйидагилар:

1. “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги 2001 йил 22 августдаги 347 т.р. Ўз.Р-си Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизими тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 20 август 2002 йил қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги 1998 йил 29 август Қонуни;

4. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг (2000 йил 25 май) Қонуни.

5. Тижорат банклари томонидан “Ўз фаолиятини юридик шахс бўлмаган холда амалга оширувчи якка тадбиркорларни ва деҳқон хўжалиklarини миллий ва хорижий валютада микрокредитлаш тартиби”(29 февраль 2000 йил 902 т.р.)

6. “Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиklarини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлар бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 сентябр 2001 йилда Қарор қабул қилди. Бундан мақсад кичик бизнес деҳқон ва фермер хўжалиklари ташкил этишни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда бундан буён жадал ривожлантириш, уларнинг молиявий, моддий-техника ва хом ашё ресурслари олишини кенгайтиришдир.

2.2. Кичик бизнеснинг республика иқтисодиётидаги ўрни.

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқнинг фаровон турмуш даражаси, фолаверса меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ривожини билан боғлиқ. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари ҳам кичик бизнеснинг янада қўллаб-қувватланиш вазифаси муҳим аҳамият касб этиши ҳақида гапириб, “...Фақат эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларга нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози

даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”¹⁸, деб таъкидладилар.

2010 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнесни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

2.2.1-расм.




Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилда 52,5 фоизга етди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди, яъни 10 йил мобайнида 1,7 баробар ўсганлигини кўришимиз мумкин. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Кичик бизнес фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам

¹⁸ И.А. Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари, Т.: “Ўзбекистон” 2009, 46-б.

намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2009 йилдаги 16,9 фоиздан 2010 йилда 19,6 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 97,8 фоиздан 97,9 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида – 23,7 фоиздан 30,8 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмида – 47,6 фоиздан 47,7 фоизга, савдода 2009 йил 46,3 фоиздан 2010 йил 50,5 фоизга қадар ошди (2.2.2-расм).


2.2.2-расм.



Мамлакатимиз иқтисодиётида, хусусан, ташқи иқтисодий фаолиятида кичик бизнеснинг ролини ошириш ва бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигидан, яъни булар кичик бизнеснинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, яратилаётган ташкилий-ҳуқуқий асосларининг мукамаллиги, уларни кредитлаш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, улар учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз ҳисобланади. Жумладан, бу борада 2009 йилда кичик бизнес корхоналари

учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 2010 йилга 7 фоизга, 2011 йилда эса 6 фоизга пасайтирилди.

2.2.3-расм.



Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 6 фоизгача, яъни 6,3 марта қисқарган.

2009 йилда ҳам кичик бизнес субъектларининг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилди. Масалан:

- архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилди.

Кичик бизнес фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини қуйидаги жадвал орқали яққолроқ кўриш мумкин (2.2.2-жадвал).

2.2.2.-жадвал.

**Кичик бизнес фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш
жараёнларини қисқартирилиши ва тўловларнинг
оптималлаштирилиши¹⁹**

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура- режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойиҳа-смета хужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	- 70
Қурилиш давомида назорат-ижро съемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40
Нормативлар лойиҳаларининг экологик	75	2103000	1	28040	- 98,7

¹⁹ И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазирамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув услубий мажмуа, Т, Иқтисодиёт – 2010.

экспертизасини ўтказиш					
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	5037660	-	830960	- 83,5

* Изоҳ: энг кам иш ҳақи миқдори тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган даврга татбиқан олинган.

Жадвалдан кўринадикки, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирлари аҳамиятли даражада амалга оширилган. Масалан, нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш бўйича тўлов миқдори 75 марта, экологик экспертиза қиймати 25 марта камайтирилган. Бунинг натижасида ҳар битта тадбиркорлик субъекти учун ўз фаолиятини ташкил этишда ўртача 4207 минг сўм миқдоргача маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлди.

2009 йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик кичик бизнес субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги имтиёз ва қулайликлар яратилди:

- маҳсулотларнинг гигиеник сертификатини амал қилиш муддати илгариги 3 йилдан эндиликда чекланмаган муддатга ўтказилди;
- фитосанитария хулосаларини бериш муддатлари қисқартирилди;

- электр ва иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни бажариш муддатлари 1 ойдан 3 кунгача қисқартирилди;

- биноларни турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказиш жараёни соддалаштирилди;

- давлат мулкидаги бўш бинолар ижара ҳақлари 10 ва ундан кўп баробаргача туширилиши натижасида уларнинг 81 фоизи (аниқланган 3650 тадан 2939 таси) тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди;

- ташқи рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 дан 30 фоизгача пасайтирилди ҳамда айрим ҳудудларнинг қишлоқ жойларида ҳақ олиш бекор қилинди. Бунинг натижасида ташқи реклама берувчи тадбиркорларнинг улуши 34 фоизгача ошди;

- ташқи рекламани жойлаштириш қиймати Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятларининг қишлоқ жойлари учун 50 фоизгача пасайтирилди;

- электр энергиясини олди-сотти шартномасида белгиланган ҳажмга нисбатан кам сарфланиши учун жарималар бекор қилинди ва ортиқча сарфлаш бўйича жарималар 50 фоизга қисқартирилди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Хусусан, 2009 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 2 трлн. 690 млрд. сўмга етиб, бир йил мобайнида қарийб 1,5 баробар ўсди ва 2002-2010 йиллар мобайнида деярли 20 мартага ўсганини билдиради.

Сўнгги йилларда ҳукуватимиз томонидан кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижасида мазкур соҳага тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар ва кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда (2.2.4-расм).

2.2.4-расм.




2002-2009 йилларда тижорат банкларининг жами кредит қўйилмаларининг ЯИМ таркибида улуши 20,1 фоизли пунктга пасайган. 2009 йилда тижорат банклари жами кредит қўйилмалари таркибида микромолиявий хизматлар улуши 3,8 фоизни ташкил қилган. Фикримизча, бундай ҳолат тижорат банкларининг иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш, шу жумладан, кичик бизнес субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишда муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Бинобарин, мамлакатимиз тижорат банкларининг кичик бизнес фаолиятини микромолиялашда етарлича рол ўйнамаётганликларидан далолат беради. Бу эса тижорат банклари ва кичик бизнес субъектлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, мазкур субъектларни микрокредитлаш тизимини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2007 йилда Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли жами аҳолининг 23,6 фоизини ташкил қилган, ушбу секторнинг кам таъминланган аҳоли қатламини қамраб олиш даражаси 0,6 фоизни (Микро молия ташкилотлар мижозлари жами сонининг кам таъминланган аҳоли сонига нисбати), шунингдек, микромолиялаш сектори қамраб олиш даражасининг ўртача кўрсаткичи 10 фоизни (ўртача қарз миқдорининг аҳоли жон бошига тақсимланган ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)га нисбати) ташкил қилган. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич Шарқий Европа мамлакатларида 25 фоизни ташкил қилади.

2.2.5-расм.

Халқаро молия институтлари томонидан ажратилган кредитлар миқдори²⁰, млн. доллар.



Кичик бизнесни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тарққиёт банки, Ислон тарққиёт банки, Германия тарққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан кредитлар ажратилди. Халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнесни ривожлантиришга ажратилган кредитлар миқдори 2008 йили 80 млн. АҚШ доллари, 2009 йил 121,8 млн.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

АҚШ доллари миқдорида, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 146 млн. АҚШ долларига етиб, 2008 йилга нисбатан 1,8 баробар ўсди (2.2.5-расм).

Ўбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438 сонли қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредитлар линиялари миқдори 2001 йилдла 75 млн. долларни, 2015 йилга бориб эса 155 млн. долларни ташкил этиш мулжалланган.

Маълумотлардан кўринадик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори 2001-2009 йиллар мобайнида деярли 11 баробар ўсган.

Шунингдек, кичик бизнес фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда (2.2.3-жадвал).

Қуйидаги жадвалдан кўринадик, бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Бу инфратузилма муассасалари мамлакатимизда кичик бизнес субъектларининг фаолияти олиб боришада, Шунингдек кичик бизнес субъектларининг фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш учун тегишли молия муассасалари уларга молиявий ва иқтисодий ёрдам бериш, шунингдек, уларнинг ташқи бозорга чиқишида, уларнинг фаолиятида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп товар ва маҳсулотларини ишлаб чиқаришида катта ёрдам бермоқда.

2.2.3-жадвал

**Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи
мавжуд инфратузилма объектлари²¹**

Инфратузилма объекти номи	Сони
Тижорат банклари филиаллари	1042
Минибанклар	2318
Ахборот-маслаҳат марказлари	262
Консалтинг марказлари	327
Аудитор фирмалари	113
Ўқув марказлари	917
Баҳолаш компаниялари	138
Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари	204
Микрокредит ташкилотлари	32
Кредит уюшмалари	103
Бизнес-инкубаторлар	34
Суғурта ташкилотлари	32
Брокерлик идоралари	1424

Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда(2.2.4- жадвал).

²¹ И.А. Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув услубий мажмуа, Тошкент – 2010.

2.2.4- жадвал.

2009 йилда Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари²²

Кўрсаткич	Сони, нафар
2009 йилда яратилган жами янги иш ўринлари	940532
Ўтган йилга нисбатан, фоизда	142,3
Шундан қуйидаги асосий йўналишларда яратилган иш ўринлари	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида	391809
Ўтган йилга нисбатагн, фоизда	104,7
Уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш, жами	196745
Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда (меҳнат шартномаси билан)	77466
Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш	70587
Иш жойларни кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари (Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар)	281397

Жумладан, мамлакатимизда 2009 йилда яратилган жами 940,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 391,8 мингтаси (41,7 фоизи) кичик бизнес соҳасига тўғри келмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,7 фоизга кўпроқ демакдир. Жами янги иш ўринларининг деярли 21 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 7,5 фоизи янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш, деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган. Бунинг натижасида, кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сонининг жами иқтисодиётдаги банд

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат Сататстика қўматаси маълумотлари.

бўлганлар сонига нисбатан улуши 2008 йилда 73,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 74,2 фоизга етди.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Энг муҳими, жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича 56 млн. кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда юз минглаб янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бунинг яна бир аҳамиятли томони, янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмларининг таркиб топгани ва унинг бир қатор йўналишлар бўйича изчил амал қилиб келаётганлигидир.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Президентимиз қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини кўрсатиб ўтди.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

2.3. Ташқи иқтисодий фаолиятда кичик бизнеснинг аҳамияти

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда ва унинг экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон амалиётидан маълумки, бирор бир мамлакат ўз иқтисодиётини бошқа мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатмасдан туриб, тез суратларда ривожлантира олмайди. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш орқали халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувнинг чуқурлашуви, аҳоли даромадлари ва бандлик даражасининг ошиши, мулкдорлар синфининг кенгайиши юзага келади. Бу ўринда, кичик бизнес йирик харажат талаб қилмаслиги, бозор талабига тез мослаша олиши, инновацион технологияларни жорий этишнинг қулайлиги каби афзалликларга эга.

Кейинги йилларда, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида кичик бизнеснинг ташқи савдодаги улуши ортиб бормоқда.

2.3.1-расм.




Ушбу графикда кўриниб турибдики, Ўзбекистон кичик бизнес субъектларининг ташқи савдодаси, яъни экспорт ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганлигини қувонарли ҳол. Масалан, 2005 йилда кичик бизнес субъектлари экспортининг умумий экспоридаги улуши 6 фоизни ташкил этган ва экспорт ҳажми 325,8 млн. АҚШ долларга етган бўлса, 2010 йилга келиб эса бу кўрсаткичлар мос равишда экспорт улуши 13,6 фоизга ва экспорт ҳажми 1774,3 млн. АҚШ долларга етди. Сунги 5 йил мобайнида умумий экспортдаги улуши қарийб 2,3 марта ва экспорт ҳажми эса 5,5 баробар ошди. Умумий экспортдаги улуш бўйича энг юқори кўрсаткич 2007 йилда кузатилган, яъни 14,8 фоизни ташкил этган. Лекин кичик бизнес субъектларининг умумий экспортдаги улуши ҳали ҳамон пастлигича қолмоқда, бунга асосий сабаблар ташқи бозорда товар ва хизматларга талабнинг юқори даражада эмаслиги, маҳсулот ва хизматларнинг халқаро меъёрларга жавоб бермаслиги ва корхоналар ташқи бозорга чиқишда турли тўсиқларга дуч келиши кабилар.

Ўзбекистон ташқи савдосида кичик бизнес субъектлари динамикасининг ўзгариши, биринчи навбатда, унинг товар таркибининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, 2010 йил кичик бизнес экспорт ҳажмида савдо, пахта толаси, кимё маҳсулотлари, энергитика, қора ва рангли металллар ва бошқалар катта улушга эга бўлди.

Ўзбекистон ташқи савдосида кичик бизнес субъектлари импорти ушбу графикда акс этган. Кичик бизнес субъектлари импортининг умумий импортдаги улуши 2005 йилда 33,7 фоизни ва импорт ҳажми 1379,9 млн. АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақамлар мос равишда умумий импортдаги улуши 36,6 фоизга ва импорт ҳажми 3223,7 млн. АҚШ долларга етган ва сунги 5 йил мобайнида бу соҳанинг умумий импортдаги улуши 1,1 баробар ва импорт ҳажми эса 2,3 баробар ошди (2.3.2-расм).

2.3.2-расм.



Демак, юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес субъектларининг ташқи савдо айланмаси 2005 йил мобайнида 1705,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб эса бу кўрсаткич 4998 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, қарийб 3 марта ошди.

Сунги йилларда кичик бизнес субъектлари импортнинг барқарор ривожининг унинг импорт товар таркибининг катта қисмини ташкил этувчи машина ва жиҳозлар, шунингдек, давлат томонидан қулланилган солиқ сиёсати ва бож тарифлари натижасида улуши ортиб бораётган кимё маҳсулотлари, қора ва рангли металллар ва бошқа товарлар савдоси билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда фаолият олиб борувчи кичик бизнес корхоналари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2000 йилда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари сони қарийб 2800 тага яқин бўлган, 2009 йилга келиб эса ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи кичик бизнес субъектлари сони 5000 тадан ошди ва 2000-2009 йиллар мобайнида қарийб 2

баробар ўсиб йиллар мобайнида кичик бизнес субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги салмоғи ошиб бормоқда.

3.2.3-расм.



Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи Ўзбекистон корхоналарининг аксарият қисми кичик бизнес соҳаси вакиллари ҳисобланади. Аммо уларнинг умумий экспорт-импорт операциялардаги ҳиссаси жуда кам. Кичик бизнес субъектлари импорти таркибида тайёр кундали эҳтиёж молларни улуши юқорилиги сақланиб қолмоқда. Юқори техника ва технологияларни қўлаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи кичик бизнес субъектларининг ривожланишида ва экспорт салоҳиятини оширишда муаммолар мавжуд.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатларнинг асосий йўналишларидан бири экспортга йўналтирилган иқтисодий ривожлантириш ҳисобланиб, унинг муҳим таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- экспорт таркибини диверсификациялаш ва хом ашё маҳсулотлари ҳамда материалларини экспорт қилишдан қочиб, қўшимча қиймат улуши кўпроқ бўлган тайёр маҳсулотлар чиқаришга урғу бериш;

- тегишли инфратузилмани ривожлантириш орқали эришиладиган экспорт маҳсулотларини фаол йўналтириш;
- янги технологиялар билан олиб келиш ва мамлакат экспорт салоҳиятини орттиришда кўмаклашадиган чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналар қуриш;
- импорт ўрнини босадиган товарлар сиёсатини товарлар импорт қилиш ўрнига машиналар ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун ускуналар импорт қилишга қаратишни назарда тутиб қоллаш.

Экспортни кенгайтиришда кичик бизнес фаоллигининг аста-секин ортиб бориши кузатилмоқда. Жумладан, ташқи бозорларга маҳсулот экспорт қилишда кичик бизнес фаоллигининг ошиши, айниқса, Андижон, Наманган, Қашқадарё, Самарқанд, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилмоқда.

Мавжуд кичик бизнес корхоналарини реконструкция қилиниши, уларни замонавий, илғор ва юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналарга айлантирилиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мунтазам янгиланиб борилишига ва ўз навбатида, минтақалар экспорт салоҳиятининг юксалишига сабаб бўлади.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон минтақалари экспорт салоҳиятида кичик бизнес субъектларининг роли кўрсатилган. Ушбу жадвал маълумотларига кўра, минтақалар орасида Наманган ҳамда Самарқанд вилоятлари экспорти ҳажмида кичик бизнес субъектларининг улуши республика ўртача кўрсаткичидан (14,6%) 4,7 марта юқори. Шунингдек, Қашқадарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам кичик бизнес субъектларининг экспортдаги улуши республика ўртача кўрсаткичидан 1,3-1,5 марта юқори. Қолган барча минтақаларда эса бу кўрсаткич паст.

3.2.1-жадвал

Кичик бизнес экспортининг минтақалар бўйича улуши, фоизда²³

Минтақалар	Кичик бизнес экспортининг умумий экспортдаги улуши		Кичик бизнес импортининг умумий импортдаги улуши	
	2005	2009	2005	2009
Ўзбекистон Республикаси	6	14,6	33,7	42,5
Қорақолпағистон Республикаси	12,7	8	71,1	79,3
Андижон	2,2	4,2	5,2	4,7
Бухоро	3,8	6,5	65	40,4
Жиззах	3,5	13,3	57,9	89,3
Қашқадарё	1,4	21,7	65,2	39,4
Навоий	0,3	6,5	3	3,5
Наманган	74,1	69,2	57,4	60
Самарқанд	23,3	68,1	50	52,8
Сухандарё	12	10,2	70,5	60,6
Сирдарё	3,6	10,4	71,4	83,6
Тошкент	5,6	20,1	44	48,7
Фарғона	14,6	19,8	38,2	23,6
Хоразм	2,8	7,5	63,6	86,8
Тошкент шаҳри	7,2	19,8	38,7	52,2

Кейинги уч йилда минтақалар экспорт салоҳиятида кичик бизнес субъектлари улушининг энг кўп ортиши Наманган (49,9%), Самарқанд (26,5%) ҳамда Қашқадарё (17,7%) вилоятларида кузатилди. Аксинча, Сурхондарё вилоятида унинг улуши 31%дан 10,2%га тушиб кетди. Шунингбек бундай салбий ҳолат Қорақолпағистон Республикасида, Андижон, Навоий, Сирдарё ҳамда Фарғона вилоятларида кузатилди.

Белгиланган устувор йўналишдан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектларининг мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги ролини ошириш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжуд:

²³ Алманах Узбекистан, Центр экономических исследований, 2010, 86 с.

- кичик бизнес субъектларининг молиявий имкониятларининг чегараланганлиги;
- экспорт фаоляти билан боғлиқ валюта рискени суғурталаш имконини берувчи муддатли валюта битимлари бозорининг шаклланмаганлиги;
- хорижий мамлакатларга экспорт қилувчи йирик саноат корхоналари кичик бизнес субъектлари кооперациясининг етарли даражада шаклланмаганлиги;
- кичик бизнес субъектларида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ касб-малакаларнинг етишмаслиги;
- кичик корхоналарда хом ашёни қайта ишловчи, импорт ўрнини боса оладиган ва тайёр маҳсулотларга айлантирувчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий техника ва технологиялар ҳақидаги ахборотнинг етишмаслиги ва бошқалар.

III БОБ. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни кичик бизнес орқали ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

1. Кичик бизнесни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиш

Кўпгина ривожланган мамлакатларда кичик бизнес корхоналарнинг таркиб топиши ва ривожланиши давлат ёрдамига мухтож. Уларда бу соҳада катта ижобий тажриба тўпланган. Биз бундай тажрибадан Ўзбекистон шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз мумкин.

Кичик корхоналар фаолиятини бошқариш усуллар ва йўналишларбарча давлатларда умумий бўлиб, бир-бирига яқин келади.

Улар қуйидагилар:

- Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус қонунларни қабул қилиши;

- Кичик корхоналарни ривожлантиришнинг Давлат дастурларини ишлаб чиқилиши;

- Кичик корхоналарни қўллаб-қувватловчи ташкилий тузилмаларни ташкил этилиши (Масалан, кичик бизнеснинг Япония миллий маъмурияти ва унинг жойлардаги бўлинмалари);

- Давлат молиявий ёрдамини кўрсатилиши;

Масалан, Италияда - кичик фирмаларни илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари учун миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилади;

- Кичик корхоналарни кафолатли ва имтиёзли кредитловчи фирмаларни ташкил этилиши (Англиядаги кичик корхоналарни молиялаштирувчи махсус фирмалар мавжуд. Бунда давлат 70 % қарзларни кафолатлайди);

- Кичик фирмалар фаолиятини имтиёзли кредитлашни кенг қўлланилиши (Францияда ҳар йили 100 мингта корхона тўлиқ ва қисман солиқдан озод қилинади).

Айрим мамлакатлар тажрибасидан мисоллар келтирамиз:

АҚШ. Бу давлатда 1953 й. кичик бизнес ишлари бўйича маъмурият яратилган. Бу ташкилотнинг фаолияти - ўз ишини бошлаши учун, уни амалга ошириши учун ёрдам кўрсатиши, кредитлар бериш кичик бизнесга кафолатли қарзлар беришдан иборат.

Шу йил мамлакатда кичик бизнес тўғрисида қонун қабул қилинди. 1998 йил кичик корхоналарга ташкилотларнинг янги технология ва илмий-техник, тажриба-конструкторлик ишланмаларини узатиши имкониятларини берадиган қонун қабул қилинади.

Кичик корхоналарга жуда кўп ярим давлат ташкилотлари бўлган Савдо хизматлари сиёсати бўйича Қўмита, Президент ҳузурида хусусий тадбиркорлик бўйича махсус комиссия, саноат рақобатбардошлиги масалалари бўйича комиссия ва бошқалар хизмат қиладилар.

Кичик корхоналарга АҚШда жуда кўп миқдордаги ижтимоий ташкилотлар ёрдам беради:

- савдо палатаси;
- саноатчилар миллий ассоциацияси;
- қишлоқ хўжалиги, савдодаги турли хил уюмлар, клублар, гуруҳлар ва ҳ.к. АҚШда кичик корхоналар солиқ имтиёзларидан фойдаланмайдилар, улар субсидия, дотация, молиявий кафолатлар йўли билан қўллаб-қувватланиб турадилар.

Америкада 19 млн. турли хилдаги мустақил фирмаларнинг 90 % майда ишлаб чиқаришлардир. Улар хиссасига янги яратилаётган иш жойларининг 2/3 қисми тўғри келади.

Европа Иттфоқиға аъзо бўлган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибида эса кичик ва ўрта бизнес улуши 67 фоиздан ортиқ экани ҳам бежиз эмас.

Мисол учун, Германия давлати тажрибасини олиб кўрайлик. Бу мамлакат кичик бизнесни ривожланиши ҳисобига қисқа вақт мобайнида Европа иқтисодиётининг устунларидан бирига айланиб кетди. Давлатнинг бу борадаги оқилона туфайли урушдан кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнеснинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 10 фоиздан 69 фоизга кўтарилди.

Германияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол молларининг кўплаб турларини ишлаб чиқарадиган корхоналар давлат тарафидан ҳар томонлама рағбатлантирилди. Улар қишлоқ жойларида цехлар шаклида кичик-кичик ишлаб чиқариш қувватлари сифатида ташкил этилган эди.

Бу мамлакатларда кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат тизими шаклланган бўлиб, у биринчи галда бу борадаги ҳуқуқий базани яратишга ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфатларини ишловчи ҳимоя қилишга асосланади.

Шунингдек, уларнинг узоқ муддатли кредит ресурсларидан имтиёзли фойдаланиши, имтиёзли солиқ тартибини, ишлаб чиқариш молиявий, ижтимоий, бозор инфратузилмаларини шакллантириши ҳам пировард натижада иқтисодиётнинг ана шу тармоғини самарали ривожлантиришга хизмат қилади.

Шуниси муҳимки, бу мамлакатларда иқтисодиёт таркибининг ўзига хос хусусиятларидан, халқнинг менталитетидан, мавжуд ресурслар ва бошқа омиллардан келиб чиқиб, кичик бизнесни аниқ мақсадли қўллаб-қувватлаш бўйича пухта ўйланган давлат сиёсати амалга оширилади.

Япония. Бу давлатда кичик бизнес тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 81 фоизи ишлайди.

Японияда асосий эътибор йирик бизнес билан кичик бизнес ўртасида кооператив алоқалар тизимини шакллантиришга қаратилади. Япония давлатида ҳам иқтисодиётнинг мазкур бўғини мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпроғини бермоқда.

Айнан шундай иқтисодий сиёсат натижасида Японияда ислохатларнинг бошлиғини даврида аҳоли жон бошига 500 АҚШ доллари миқдорида даромад тўғри келган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 38 минг долларга етмоқда. Бу – дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Жаҳон саноатида етакчи ўрин тутадиган «Ямаха» трансмиллий компанияси бугунги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатларида бир неча миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ўз маҳсулотларини сотади. Мана шу машҳур компания ҳам, 40-йилларнинг охирида 7 кишидан иборат велосипедларни таъминловчи кичик кооператив сифатида фаолият бошланган эди.

Японияда кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги ташкилот, уюшма ва марказлар хизмат қилади:

- Кичик бизнес бўйича бошқарма;
- Кичик корхоналарни ривожлантириш бўйича давлат корпорацияси;
- Кичик корхона ассоциациясининг умумяпон федерацияси;
- Кичик корхона умумяпон маркази ва бошқалар.

Шунингдек, кичик корхонани кредитлаш учун ўнлаб махсус банклар хизмат қилади. Давлат ёрдами шулардан иборат, имтиёзли солиққа тортиш, тезлаштирилган амортизация, банкрот бўлганда ёрдам бериш, кичик корхоналарни техникавий даражасини ўстиришни рағбатлантириш.

Японияда кичик корхоналарга 500 дан ортиқ савдо-саноат палаталари ва унинг филиаллари маслахатлари, молиявий ва билим олиш учун ёрдам беради.

Давлат ёрдамнинг молиявий асосини кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш махсус фонд-халқ фонди, шунингдек молиявий корпорация ташкил қилади.

Қўллаб-қувватлаш ишларини комерция банклари ҳам давлат ва ижтимоий фондлар воситачилигида олиб боради.

Франция. Бу давлатда кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашдан асосий мақсад:

- Кишиларни иш билан таъминлаш ва рақобатни кучайтириш.

Бунинг учун амалда тўғридан-тўғри ёрдам ахборотларга кириш, маъмурий тўсиқларни камайтириш, солиқни камайтириш ишлари олиб борилади. Қўллаб-қувватлаш бўйича турли хил ташкилотлар яратилган.

- Кичик корхоналарнинг конференцияси;

- Савдо палатаси;

- Хунармадчилик бўйича палата;

- Қишлоқ хўжалиги палатаси;

- Иш бошловчилар учун миллий агентлик;

- Таваккалчилик инвестициясини суғурталаш франция жамияти;

- Бизнесни ташкил этиш марказлари ва бошқалар. Кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш миллий сиёсати давлат топшириғига асосан вазирлик ва ташкилотлар томонидан назорат қилинади.

Қўллаб-қувватлаш ишлари давлат ва регионлар ўртасида 50 % ва 50 % ҳисобидан тақсимланган.

Молиявий ёрдам эса қуйидаги шаклларда олиб борилади:

- Иш бошловчилар учун кафолатсиз қарз бериш (%-сиз);

- 5 йил муддат ичида озгина %-лик якка тартибда қарз бериш;

- 32 минг франккача ишни йўқотган ва энди иш бошловчилар учун субсидиялар бериш;

- Турли хил солиқ имтиёзларидан фойдаланиш.

Жанубий Корея. Бу давлатнинг пул-кредит сиёсати шундай тузилганки комерция банклари ўз маблағларининг 35 %-ни Кичик корхонага беришлари шарт. Уларни ривожланиши учун: Кичик бизнес федерацияси, Кичик корхоналар банки, технологияларни суғурталаш фонди, Савдо ва саноат Вазирлиги хизмат қилади.

Бу ерда кичик корхоналарнинг ҳуқуқий асослари яратилган:

- Кичик корхонани рағбатлантириш тўғрисида докрет (1966 й);
- Кичик корхона – субконтракт ишларини рағбатлантириш тўғрисида Қонун (1978 й.),
- Кичик корхоналар ишлаб чиқарадиган товарларни аниқланган рўйхати (1982 й.),
- Кичик корхоналарга ўзаъро ёрдам фонди тўғрисида қўлланма (1984й.);
- Бошқарувни тартибга солиш ва модернизация қилиш бўйича декрет (1989 й.) ва бошқалар²⁴.

Қўллаб-қувватлаш йўли билан молиявий ёрдам, биринчи галда, энг юқори экспорт потенциалига эга бўлган фирмаларга берилади. Шу билан бир вақтда кичик ва ўрта корхоналар йирик кооператив гуруҳларга бирлашган бўлади. Уларга ҳукумат – молиявий томондан, солиқ бўйича ва техникавий ёрдам бериб туради.

Бу ерда биз айрим мамлакатларда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашнинг умумий томонларини кўрсатдик, холос. Ҳар бир мамлакат бўйича бу масалаларни чуқурроқ ва аниқроқ ўрганилса Ўзбекистон Республикасида ҳам кичик бизнесни ривожлантиришнинг йўналишлари ва

²⁴ С.С. Ғуломов “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” - Т.: Шарқ, 2002, 334-б.

имкониятларини янада аниқроқ қилиб кўрсатиш мумкин эди. Лекин бу масалалар махсус изланишлар талаб этади ва уларни ўзни алоҳида бир мавзу деб ҳисоблаймиз. Кўпгина давлатларда кичик бизнесни ривожлантиришда франчайз тизими ҳам ишлатилади.

Хитой Халқ Республикаси. Бу давлатда 70 йиллар охири 80 йиллар бошида мамлакатни сиёсат ва иқтисодий йўналишидаги янгича ривожланиш босқичини бошланиши билан кичик бизнес жадал ривожланиб кетди. Хитойда кичик ва ўрта корхоналарда ходимлар сони 500 кишидан ошмайди. 2000 йил бошида Хитойда кичик бизнес корхоналари сони 9 млн. тага етди. Улар мамлакатдаги жами корхоналарнинг 99 %ни ташкил этди. Хитойда кичик бизнес корхоналари жами саноат маҳсулотини 60 % ишлаб чиқарилмоқда ва давлат хазинасига умумий солиқлар йиғимининг 40 %дан кўпроғини тушириб бермоқда.

Кичик бизнес мамлакатда меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 75 %ини иш билан таъминланмоқда. Хитойда кичик бизнесни бундай жадал ривожланиб, мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрини тутиши, уни давлат томонидан қўллаб қувватлашдаги оқилона сиёсатдир:

- технология соҳасидаги янги ишларни киритилиши ва самарадорлигини оширилиши;

- кичик ва ўрта корхоналарни технологиялар билан янгилаш махсус фондини яратиш;

Ушбу фонд орқали молиявий ёрдамнинг қуйидаги шакллари мўлжалланган:

- грантлар – илғор технология соҳасида ихтисослашган кичик ва ўрта корхоналарни оёққа тураётган даврда 120 минг АҚШ доллари (1 млн. юан) миқдорида рағбатлантирилади. Агар корхона йирик лойиҳада кирган бўлса бу миқдор 240 минг АҚШ доллари (2 млн. юан)гача оширилиши мумкин.

- Технологик ишловларни амалга ошириши учун корхоналарга кўшимча равишда имтиёзли равишда молиявий ёрдам кўрсатиб субсидиялар беради. Бунда молиявий ёрдам пуллари йирик лойихалар учун 120 ва 240 АҚШ доллари (ёки 2 млн. юан) ҳажмида белгиланади.

- Тўғридан тўғри инвестициялар ажратиш. Бундай молиявий ёрдам ўта истикболли ва тез қопланадиган ишловлар учун фонд томонидан устав капиталининг 20 % гача бўлган миқдори ҳисобидан ажратилади.

Хитойда кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказишни жуда хам оддий, энгил тартиби ўрнатилган. Уларни хужжатлаштириш ишлари биттаташкilotда – Давлат савдо-саноат бош бошқармасида амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва савдо бўйича Давлат кўмитаси қошида махсус «Кичик ва ўрта корхоналарни халқаро ҳамкорлигини координация қилиш бўйича марказ» ташкил этилган.

3.2. Ташқи иқтисодий фаолият ривожланишида кичик бизнеснинг ролини ошириш йўналишлари

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқнинг фаровон турмуш даражаси, қолаверса, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнеснинг ривожини билан боғлиқ. Бу ҳолат эса, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади. Истикболда иқтисодиёт тармоқларида хам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат хам , кичик бизнес фаолиятининг ривожланиши асосида рўй беради. Натижада эса ташқи иқтисодий фаолиятда кичик бизнес корхоналарининг фаол иштироки таъминланади. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов ўз маърузаларида “Биз кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий,

молиявий механизм ва шароитларни тўғдириб беришимиз керак”²⁵ деб таъкидлаганлар.

Агар 2000 йилда жами экспортнинг 10,2 фоизи кичик бизнесга тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу улуш 13,6 фоизга тенг бўлди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажмининг жами экспорт ҳажмидаги улушини 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 2,5 фоиз пунктга камайтирилганлигини жаҳон-молиявий иқтисодий инқирози шароитида дунё бозорида экспорт қилинаётган тоарларга бўлган талабнинг кескин қисқариши натижасида асосан экспортга ихтисослашган соҳаларда фаолият йўртувчи кўшма корхоналар (кичик корхона ва микро фирмалар) экспортининг пасайиши кузатилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Лекин шунга қарамай, мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги натажисада 2009 йилда кичик бизнеснинг умумий экспортдаги улуши 2008 йилга нисбатан 2,3 фоизли пунктга ошишига эришилди.

Кичик бизнес фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ташқи иқтисодий сиёсатда ташқи савдо тартибини либераллаштириш ва божхона соҳасини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш масалалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Қисқа муддатли истиқболда биринчи навбатдаги вазифалар сифатида қуйидаги чоралар белгиланиши зарур:

- божхона жараёнларини ўтказишни тартибга солиш, мақбуллаштириш ва ошкоралигини ошириш, кичик бизнес корхоналари учун божхона тўловларини тўлашда муддатини ўзайтириш тизимини соддалаштириш;
- Импортни амалга оширишда конвертациялаш муддатларини қатъий белгилаш ҳамда экспортни молиялаштириш ва суғурталашнинг самарили

²⁵ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //”Халқ сўзи”, 22 январь 2011.

воситаларини тадбиқ этиш; божхона тўловларини²⁶ сезиларли даражада пасайтириш (бож, акциз ва ҚҚС); турли технологик асбоб-ускуналарни олиб келишда божхона божлари ва ҚҚСни тўлашдан озод қилиш;

- янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун мулжалланган эҳтиёт қисмлар, материаллар, хом-ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни олиб киришда божхона божларини тўлашдан озод қилиш;

- экспорт шартномалари бўйича кичик бизнес корхоналарини мажбурий равишда 100 фоизли олдиндан ҳақ тўлаш шартларидан озод қилиш;

- хусусий транспорт ва экспедиторлик компаниялари секторини ривожлантиришни рағбатлантириш;

- божхона қонунчилигини соддалаштириш ва тартидга солиш, жумладан, тўғридан-тўғри амал қиладиган Божхона кодексининг янги тахририни қабул қилиш.

Узоқ муддатда божхона соҳасини тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш зарур, шу жумладан, божхона идоралари ходимларининг юкларни расмийлаштиришда белгиланган муддатлар ва қоидаларини бузганлиги ёки хато равишда аниқлаганлиги учун жавобгарлигини ошириш мақсадида божхона хизмати ходимлари айби билан тадбиркорларга етказилган зарарни қоплаш механизминини жорий этиш лозим.

Шу ўринда Президентимиз И.А. Каримов ҳам кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётда ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги ролини ошириш бўйича 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиши ва шу бўйича давлат дастури ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу давлат дастурида бу соҳанинг ташқи иқтисодий фаолияти ролини ошириш бўйича бир қанча вазифалар белгилаб олинди.

²⁶ Эконометрик анализ натижаларига кўра, Ўзбекистонда импортга бўлган солиқларни МДҲ етакчи мамлакатлари даражасида пасайиши натижасида кўшимча равишда тўғридан-тўғри хорижий оқимини ЯИМ 2,2 фоизга пасайишига олиб келади.

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми ўсишига муҳим аҳамият берилгани ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда:

- товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорти бўйича статистик ҳисобот шаклларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар экспорти кўрсаткичлари бўйича алоҳида бўлим киритсин;

- ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар экспорти ҳажмлари ҳамда таркиби тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиб борсин²⁷.

Ҳар бир иқтисодий тизим мукамал эмаслиги, хусусан, бозор иқтисодиётининг бетартиб ҳаракат қилиши 2008 йилда бошланган жаҳон-молиявий-иқтисодий инқирози такрор исбот қилди. Ривожланган давлатлар иқтисодиётига таъсир этган Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози деярли барча давлатлар миллий иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсир доирисини етарлича намаён қила олди. Бунинг оқибатида либерализмга асосланган АҚШ иқтисодиёти Европалик иқтисодчи олимлар томонидан кескин танқидга учради. Аслида маълум маънода мукамал ва тўлиқ шаклланган бозор иқтисодиёти принципи яратилмаган десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳар қандай давлат бозор иқтисодиётига ўтиш ва ривожланиш даврида потенциал имкониятлардан юқори даражада

²⁷ “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Тошкент шаҳри, 2011 йил 7 феврал.

фойдаланишга ҳаракат қилади, лекин турли иқтисодий сабабларга кўра улар жиддий тўсиқларга дуч келади, натижада бир мақсадли, турли хил йўналишлардаги иқтисодий концепциялар вужудга келади.

Мамлакатимиз турли иқтисодий жабҳаларда ривожланиб бориоқда ва айнан иқтисодиёт соҳасида етарлича намуна бўла олиш инқироз шароитида ўз исботини топди. Нафақат макро балки микро кўламда кечган бундай намунавий жараёнда кичик бизнес фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Айнан ушбу соҳанинг ривожланиши орқали мамлакат иқтисодиётининг барқарорликка эришиши билан бирга, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини жадаллаштиришига, ташқи иқтисодий фаолиятда рақобат муҳити ва стратегиясини шакллантиришига олиб келади.

Жумладан, мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов 2009 йилнинг асосий якунлари 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш ва мамлакат рақобат бардошлигини оширишда қуйидагиларга тухталиб ўтдилар:

“Мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мулжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор вазифа сифатида белгилаб олинган эди.

...Изчил дастурни амалга ошириш натижасида 2010 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариш улуши 2000 йилга нисбатан 14,2 фоиздан 24 фоизга, транспорт ва алоқа соҳалари клуши 7,7 фоиздан 12,4 фоизга ошди, айти пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга камайди. Шу билан бирга, иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатбардош бўлмоғи учун иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва

диверсификация қилиш бўйича ҳали кўп иш қилиш лозимлигини ҳам биз ўзимизга яхши тасаввур этамиз”²⁸

Экспорт салоҳиятини ошириш борасида экспортни амалга оширмаётган, лекин салоҳияти мавжуд корхоналар муаммоларини мунтазам ўрганиш, уларни бартараф қилиш, Веб сайтда жойлаштириш учун экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг доимий янгиланиб турувчи маълумотлар базасини шакллантириш, корхоналарни кенг кўламда ярмарка ва кўргазмаларга жалб қилиш ва бу орқали ҳамкорлар топиш ишларини жадаллаштириш орқали экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларига эришиш мумкин.

Кичик бизнеснинг ташқи савдодаги улушининг ортишида кўшма корхоналарнинг ҳам роли катта ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри инвестициялвр асосида ташкил этилган кўшма корхоналарнинг асосий кўпчилиги Тошкент шаҳрида (1739 дона), Тошкент вилоятида (196 дона), Фарғонада (67 дона) ва Бухоро вилоятида (54 дона) жойлашган.

Кўшма корхоналар юқори технологияларни талаб этадиган соҳаларда, яъни, енгил саноат, озиқ-овқат, электротехника, химия, нефтьхимия, машинасозлик, қўрилиш материаллари, информация ва телекоммуникация соҳаларида тузилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Статистик маълумотларга қараганда ташқи савдо оборотининг учдан бир қисми тўғридан-тўғри инвестициялвр асосида ташкил этилган кўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида тайёр маҳсулотларнинг улуши ўсиб бораётганлигини маълумотлар ҳам кўрсатиб турибди.

²⁸ Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз – Ватанимиз таракқиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, Халқ сўзи, 22.01.2011. №16.

Экспортга йўналтирилган маҳсулотлар турини ва миқдорини кўпайтириш ҳамда инвестицион фаолликни ошириш учун республикамизда кўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

✓ Экспортчи корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни кўриш ва уларнинг инвестицион фаоллигини ошириш;

✓ Миллий экспортчилар билан маҳсулотларни сотиш бозори давлатлари орасида кооперацион алоқаларни ривожлантириш;

✓ Экспортдан олинган фойдани мажбурий сотиш амалиёти механизмига, қўшма корхоналар фойдасидан келиб чиққан ҳолда, ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ташқи иқтисодий фаолиятда кичик бизнеснинг ролини ошириш, бир томондан унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу вазифани ҳал этиш учун “Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини миллий ва ташқи бозорга сотиш учун янги имтиёзлар бериш, уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш ва назорат қилиш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат

органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор²⁹.

²⁹ И.А. Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисдаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь, Т.: “Ўзбекистон” 2010, 51-52-б.

ХУЛОСА

Ушбу мавзудаги битирув малакавий ишни ёзишдан ва бу муаммони имкони борича тўлиқроқ ўрганишдан асосий мақсад глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириб жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб тарзда кириб боришида кичик бизнес ролини ошириш бўйича илмий амалий таклиф ва тавсиялар бириш ва уларни амалиётга жорий қилишдан иборат ҳисобланади. Чунки кўплаб бизнес таҳлилчилар ва тадқиқотчилар XXI асрда кичик бизнес ривожланган мамлакатларнинг динамик қисмига айланиб, миллий иқтисодиётнинг пойдеворини ташкил этади деган фикрдалар. Бошқача қилиб айтганда, кичик бизнес ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб яшнашининг асосий негизи бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган. Шу боис мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суратлари ҳамда аҳоли фаровонлигининг ошиши ҳал қилувчи даражада айнан ушбу соҳанинг ривожланишига боғлиқ. Ушбу фикрларни ва юқоридаги тадқиқот таҳлилларини инобатга олиб, қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

✓ Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини кенг ўрганиб унинг ихчамлиги кам харажлиги, бозор конюктурасига тез мослаша олиши, бандлик муаммосини юқори суратда ҳал қилиш каби муаммоларда қул келишини инобатга олиб уни ривожлантириш давр талаби эканлиги;

✓ Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг тараққий этишида ва жаҳон ҳам жамиятига кириб боришида кичик бизнеснинг жаҳон бозорига чиқишининг зарурлиги;

✓ Кичик бизнес экспортининг умумий экспортдаги улушининг камлигини инобатга олиб унинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт

қилувчи ва ташқи бозорга чиқишни хоҳлаётган кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ва механизмини янада такомиллаштириш;

✓ Глобаллашув шароитида иқтисодий диверсефикация қилишнинг амалий аҳамиятида кичик бизнеснинг ролини ошириш йўналишлари;

✓ Инқироз шароитида иқтисодий модернизация қилиш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш механизмини кичик бизнес орқали такомиллаштириш;

✓ Республикамиз минтақаларида енгил саноат, трикотаж, тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш, шунингдек, машинасозлик ва металга ишлов бериш соҳаларида ихтисослашган салмоғи ва улуши янада оширилиши зवरлиги;

✓ Иқтисодий ислохатларни босқичма-босқич амалга оширишда кичик бизнес берилган солиқ имтиёзлари ва преференцияларини тўғри белгилаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш;

✓ Ташқи иқтисодий фаолиятни ва унда кичик бизнесни рағбатлантирувчи ташкилий-ҳуқуқий тизимини мукаммаллаштириш ва уни амалиётга тадбиқ этиш;

✓ Кичик бизнес субъектларининг экспортбоп маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиб уларни ташқи бозорга олибчиқишда давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;

✓ Кичик бизнес ва унинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришда уларни микромолиялаш ва кредитлаш, жумладан чет эл инвестицияларини ва кредитларини жалб қилишининг зарурлиги;

Ташқи иқтисодий фаолиятда кичик бизнеснинг ролини ошириш ва жадал ривожлантириш мақсадида бозор механизмини такомиллаштириш йўналишида муҳим чора-тадбирлар амалга ошириш: нақд пул беришда мавжуд чеклашларни бекор қилиш, кичик бизнес субъектларига асосий ва

юқори ликвидли товарларга кенг йўл очиб бериш, ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, имтиёзлар тизимини шакллантириш, давлат ва назорат қлувчи органларнинг уларнинг фаолиятига аралашиш жараёни камайтирилиши, иқтисодий ва ҳуқуқий эркинликлари кенгайиши ва энг муҳим тадбирлардан бири бу кичик бизнес фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш жараёнинг қисқариши бу соҳанинг ташқи иқтисодий фаолиятда ривожланиб тараққий этишига асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

I. Қонунлар ва фармонлар:

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши II-сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган), Тошкент, «Ўзбекистон», 1992 йил.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни, Тошкент ш., 1991 йил 14 июнь,
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, Тошкент, 2000 йил 25 май.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг « Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил 14 апрель.
- 1.5. «Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, 1991 йил 15 февраль.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг « Банкротлик тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни, 2003 йил 24 апрель.
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг « Хўжаликни юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил. 29 август (Қонун 1998 й. 1 ноябрдан кучга кирган).
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони, 1995 йил 5 январь.

- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги. Фармони, 1998 йил февраль.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги. Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Фармони, 2003 йил 30 август.
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг « Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 2003 йил январь.
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, 2001 йил 22 август.
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини, тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, «Халқ сўзи».
- 1.14. "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. - Т.: 1991.
- 1.15. Ўзбекистон Республикасининг " Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида"ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
- 1.16. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрири, Тошкент ш. 2000 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг китоблари ва маърузалари:

- 2.1. И. Каримов. Ўзбекистон – бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 йил.
- 2.2. И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.
- 2.3. И. Каримов. Ўзбекистон – миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, маъмура, Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил.
- 2.4. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил.
- 2.5. И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил.
- 2.6. И.А. Каримов. Адолат-қонун устиворлигида. Тошкент, «Адолат. Ўзбекистон», 2001 йил.
- 2.7. И. Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз. Тошкент, «Ўзбекистон», 2002 йил.
- 2.8. И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги

«Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув услубий мажмуа, Т.: 2010.

2.9. И.А.Каримов “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисида" Тошкент шаҳри, 7 феврал 2011 йил.

2.10. И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т.: “Ўзбекистон” 2009.

2.11. И.А. Каримов “Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь, Т.: “Ўзбекистон” 2010.

2.12. И.А. Каримов “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” Т.- “Ўзбекистон” – 2010.

III. Асосий адабиётлар:

3.1. Ўзбекистон миллий университети: “Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти”, Республика илмий-амалий конференция материаллари, 23 февраль 2011 й.

3.2. Ўзбекистон миллий университети: “Иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни мувазанатли ривожлантиришнинг муҳим омиллари”, Республика илмий-амалий конференция материаллари, 20 апрель 2011 й.

3.3. С.С. Ғуломов “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” - Т.: Шарқ, 2002.

- 3.4.. Э.Эгамбердиев.Х.Хўжақулов. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Ўқув қўлланма – Т.: ТМИ, 2003.
- 3.5.. Академик С.Ғуломов муҳаррири остида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш”. Т., Фан ва технология, 2005.
- 3.6. Э.Эгамбердиев. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Маъруза матни. – Т.: ТМИ, 2000.
- 3.7.. Ҳасанов Б., Ваҳобов А. и др. “Малый бизнес и предпринимательство: проблемы и решения”. Т.: ТМИ, 2002.
- 3.8. А.Б.Бусигин. Предпринемательство. М.: 1997.
- 3.9. Курс предпринимательства. В. Я. Горфинкел таҳрири остида, Дарслик, 1997.
- 3.10. Д. Собиржонова, У. Бойматова .”Хусусий ва кичик бизнес менежменти”, Ўқув қўлланма , Т.: 2007.
- 3.11. А. Хоскинг. Курс предпринимательства. М., 1993. С. С. Гуломов, Д. К. Ахмедов, Х. И. Боев. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Т., 1996.
- 3.12. Основы предпринимательской деятельности. Экономическая теория, маркетинг, финансы, менежмент. Под ред. Проф: В. М. Власова. Москва., 1995.
- 3.13. М.Абдусоломов, Ф.Отахонов. Контрактоция шартномалари, талабнома ва даъво аризалари. - Т., Адолат нашриёти., 1998.
- 3.14. Б. А. Райзберг. Основы бизнеса. - М., 1998.

- 3.15. Х. Р. Собиров, А. А. Фаттахов, О. К. Иминов. Налогообложение предприятий малого и среднего бизнеса Республики Узбекистан. НУКПФ, Бизнес-инкубатор-техномаркет. Т., 2006. Ю.В. В. Таминов. Культура предпринимательства. С-П., 2006.
- 3.16. Ё.Абдуллаев. “Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари”. 100 саволга - 100 жавоб – Т.: Меҳнат, 2007.
- 3.17. А.И.Муравёв, А.М.Игнатъев, А.Б.Крутик “ Малый бизнес”. – Санкт-Петербург, 1999.
- 3.18. А.Ваҳобов. “Иқтисодий янгиланиш йўлидан”. – ж. Ўзбекистон иқтисодиёт ахборотномаси. Экономический вестник Узбекистана № 9, 2008.

IV Интернет сайтлари.

- 4.1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати расмий сайти – www.gov.uz
- 4.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот зизмати – www.press-sirvice.uz
- 4.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг веб-сайти – www.cbu.uz
- 4.4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлиги сайти – www.mfer.uz
- 4.5. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий базаси сайти – lex.uz
- 4.6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти – stat.uz
- 4.7. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Палатаси сайти – www.chamber.uz
- 4.8. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тадқиқотлар маркази – www.cer.uz
- 4.9. Умумий қидирув – www.google.com

